

Ички ишлар органларидаги тизимли ислохотлар - инсон кадри учун тамойилига асосланган профессионаллашувни таъминлаш гарови

Исамиддин Исмаилов

юридик фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университети профессори

Асланов Бобур Тухтаевич

юридик фанлари бўйича фалсафа доктори,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
криминология кафедраси ўқитувчиси

Мамадалиев Азизбек Мансурович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
мустақил изланувчиси

Annotatsiya: Мақолада ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақоми тушунчасига оид назарий ёндашувлар, тизимда амалга оширилаётган ислохотлар бўйича қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ва амалиётда эришилаётган натижалар таҳлили асосида ички ишлар органлари ҳуқуқий мақомининг бугунги ҳолати ёритилган, шунингдек мавзуга оид назарий ва амалий хулоса, таклиф ҳамда тавсиялар шакллантирилган.

Kalit soʻzlar: ҳуқуқий мақом, ички ишлар органлари, вазифа, фаолият, ҳуқуқ, мажбурият, қонун, фармон, қарор, ислохот, такомиллаштириш.

КИРИШ

Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун қабул қилингангача бўлган даврда тизимида амалга оширилган мазкур ислохотлар, *биринчидан*, давлат бошқаруви соҳасида ички ишлар идораларининг роли ва мавқеи юксалишига, фуқароларининг ички ишлар идораларига ишончи ва ҳурмати ортишига; *иккинчидан*, фуқаролар осойишталиги, ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали таъминланишига; *учинчидан*, тизимга замонавий илғор технологияларни жорий этишга; *тўртинчидан*, маънавий юксак ва малакали профессионал кадрлар тайёрлашга [1.Б.4] муайян даражада хизмат қилган бўлсада, лекин соҳада тизимли муаммолар сақланиб қолган эди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши ички ишлар органларининг ўта масъулиятли, жуда серкирра ва ранг-баранг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий майдондаги бўшлиқ, ноаниқлик ва зиддиятларни батараф этиш, шунингдек алоҳида қонун доирасида ички ишлар органлари фаолиятига оид

асосий қоидаларни ягона тизимга солишни таъминлаш орқали ички ишлар органлари тизимидаги ислохотларнинг мазмунан янги босқичини бошлаб берди[2.Б.20].

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси талаблари асосида давлат, хусусан ички ишлар органлари зиммасига юклатилган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш каби асосий вазифаларни самарали амалга ошириш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, амалдаги қонунларда[3; 4; 5; 6; 7], ички ишлар органлари тизимини ислох қилишга оид фармонларда[8; 9], шунингдек уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартиби ва хавфсизлиги ҳамда жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятига янги тартиб қоидалар ва механизмларни жорий этишга оид қабул қилинган қарорларда[10; 11; 12; 13; 14; 15] бевисита ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақомини жамият эҳтиёжи ва талаблари асосида такомиллаштириб бориш назарда тутилган.

Бугунги кунда жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда[8]. Жамият эҳтиёжи ва талабларидан келиб чиққан ҳолда фаолиятни рақамлаштириш, соҳага замонавий технологиялар ва сунъий интеллектдан фойдаланишни кенг жорий этиш орқали ички ишлар органлари барча даражадаги бўлинмаларини мамлакатдаги барқарорликни таъминлаб берадиган, бугунги кун таҳдид ва хавф-хатарларига муносиб жавоб бераоладиган халқчил профессионал тизимга айлантириш натижасида уларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳуқуқ назариясида ички ишлар органлари(полиция) ҳуқуқий мақомини тушунишга асосан уч хил ёндашув мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Биринчи йўналиш, институционал-ҳуқуқий, яъни ички ишлар органлари (полиция) асосий вазифалари, фаолият йўналишлари ва принциплари, ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган оммавий ҳуқуқ субъектлари сифатида тадқиқ этишади[16].

Иккинчи йўналиш, фаолият мазмуни, яъни ички ишлар органлари (полиция)нинг фаолият йўналиши мазмунини, яъни уларнинг кўриқловчи, профилактик, тергов, тезкор-қидирув ва бошқа қонунчиликда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ваколатларини тадқиқ этишади [17; 18].

Учинчи йўналиш, шахсийлаштирилган, яъни ички ишлар органлари (полиция) ходимлари ҳуқуқий мақомини, яъни уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, хизмат ўташига оид кафолатлар, чекловлар, ҳуқуқий-ижтимоий ҳимоялар, имтиёзларни ўрганишган[19].

Ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақомини тўлақонли тадқиқ этиш биринчи навбатда “ички ишлар органлари”, “ҳуқуқий мақом” ва уларнинг бирикмасидан иборат бўлган “ички ишлар органлари ҳуқуқий мақоми” тушунчаларига оид илмий фикр, қараш ва ёндашувлар ҳамда ҳуқуқий манбаларда берилган таърифларни таҳлил қилишни талаб қилади. Уларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб қуйидаги кетма-кетликда “ҳуқуқий мақом”, “ички ишлар органи”, ундан кейин эса “ички ишлар органлари ҳуқуқий мақоми” тушунчаларига оид назарий ва ҳуқуқий манбаларни таҳлил қилиш мантикий жиҳатдан мақсадга мувофиқ.

Биринчи таҳлил. Энциклопедик луғатларда “мақом (ҳуқуқда) — сайлаб қўйиладиган шахслар, фуқаролар, давлат идоралари, ташкилот, муассаса, халқаро ташкилотларнинг норматив акт билан расмийлаштирилган ҳуқуқий ҳолати, улар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг йиғиндиси”[20], “шахс ҳуқуқий мақоми - ҳуқуқ нормаларида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган шахснинг сиёсий ҳуқуқий ҳолатини ифодаловчи ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар тизимидир”[21], “ҳуқуқий мақом орган, ташкилот, бирлашма, мансабдор шахс

(фуқаро)нинг норматив ҳужжат билан расмийлаштирилган ҳолатини билдиради (“ҳуқуқий ҳолат” атамаси шундан келиб чиққан). Яъни, юқорида зикр этилган ташкилотлар ва шахсларнинг табиатини, ижтимоий муносабатлар ва ҳуқуқ субъектлари тизимидаги ўрнини, муҳим ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларни амалга ошириш шакллари (тартиби)ни ва бунда қабул қилинадиган ҳужжатлар ёки амалга ошириладиган ҳаракатларни тавсифлайди”[22] деб ёзилган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, тадқиқотларда таъкидланганидек дастлаб, “ҳуқуқий мақом” атамаси ҳуқуқ назарияси вакиллари томонидан шахсларга, хусусан, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан кўриб чиқилган ва кейинчалик у юридик шахсларга, давлатни ўз ичига олган оммавий-ҳуқуқий субъектларга ва ҳуқуқнинг бошқа соҳаларига нисбатан қўлланила бошланган. Бугунги кунда бу тушунча ҳуқуқнинг деярли барча соҳалари ва соҳаларида қўлланила бошланди ва энди бу атама ҳуқуқий мақом, ҳуқуқий режим каби турли ҳуқуқий тоифалар билан боғлиқ бўлиши мумкин ва фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда мулкни тавсифлаш учун ишлатилади, яъни унинг қўлланилишининг ўзгарувчанлиги жуда хилма-хилдир[23.Б.19-27].

Ҳуқуқ назариясининг етакчи олими академик А.Х.Саидов “Ҳуқуқий мақом муайян субъектнинг ҳуқуқий муносабатлардаги ҳолатини, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, фаолият йўналишини белгилайдиган ҳуқуқий категориядир”[24.Б.64] деб таъриф берган бўлса, Н.А.Маматовнинг фикрича “ҳуқуқий мақом субъектнинг ҳуқуқий муносабатлардаги ролини, ҳуқуқий имкониятлари ва мажбуриятлари чегарасини белгилайдиган ҳуқуқий ҳолатдир”[25.Б.88].

Хорижий манбалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, юридик категория сифатида “ҳуқуқий мақом” тушунчасига турлича мазмундаги бир-бирига яқин бўлган таърифлар берилган. Хусусан, Ю.А.Тихомиров ҳуқуқий мақомни меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамланган, субъектнинг ҳуқуқий алоқалар тизимидаги роли ва ўрнини белгиловчи комплекс юридик белгилари[26] деб эътироф этса, В.Д.Перевалов эса “ҳуқуқий мақом – бу ҳуқуқ субъектининг жамият ва давлатдаги ҳолатини, шу жумладан ҳуқуқлари, мажбуриятлари, кафолатлари ва масъулиятини акс эттирувчи ҳуқуқий хуссиятлар тизими”[27] деб ҳисоблайди. Бошқа бир манбада эса “ҳуқуқий мақом - бу давлат томонидан ўрнатиладиган ва таъминланадиган шахснинг мумкин бўлган ва тўғри хулқ-атворининг, шу жумладан ҳуқуқлари, бурчлари, эркинликлар ва мажбуриятлари ўлчови”[28] эканлиги эътироф этилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, “ҳуқуқий мақом” тушунчасига берилган таърифларда ягона ёндашув бўлмасада, уларнинг мазмун-моҳияти бир-бирига яқин бўлиб, барчасида “субъектнинг ҳуқуқий ҳолати” ҳақида сўз боради. Тадқиқотларда эътироф этилганидек, умуман олганда, барча мутахассислар ҳуқуқий мақом шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини мажбурий элементлар сифатида ўз ичига олиши ҳақида бир фикрда. Шу билан бирга, кўпчилик олимлар унинг тузилишига ҳуқуқ ва мажбуриятлардан ташқари бошқа элементларни ҳам киритиш зарур деб ҳисоблашади. Бу элементлар, хусусан, қуйидагиларни ўз ичига олади: фуқаролик; ҳуқуқий лаёқат ва ваколат; тамойиллар; қонуний манфаатлар; ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишни ҳамда мажбуриятларни бажаришни таъминлаш кафолатлари; фуқаронинг давлат ва жамият олдигаги жавобгарлиги ва бошқалар[29.Б.59-62]. Тадқиқотларда “ҳуқуқий ҳолат” ва “ҳуқуқий мақом” – атамалари, мазмуни ва моҳияти бўйича ўхшаш эканлиги эътироф этилади[30].

Юқоридаги таърифлар ва манбалар таҳлили натижаларига асосланган ҳолда қуйидаги муаллифлик тушунчаси берилмоқда: “ҳуқуқий мақом – бу ҳаётнинг турли соҳаларидаги ижтимоий муносабатлар субъектларининг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган вазифалар, берилган ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларни амалга ошириш салоҳияти орқали жамиятда тутган ўрни ва ролини белгиловчи ҳуқуқий категориядир”.

Иккинчи таҳлил. Ички ишлар органлари давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини амалга оширувчи энг кўп ва ранг-баранг йўналишларда фаолият олиб боровчи таркибий тузилмаларни ўз ичига олган яхлит тизимдир.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, “ички ишлар органлари” тушунчасига таъриф беришда ягона ёндашув йўқ. Илмий манбаларда олимлар томонидан ички ишлар органларининг вазифалари, фаолият йўналишлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларидан, шунингдек унда хизмат олиб боришнинг хусусиятлари инobatга олинган ҳолда мазкур тизим тушунчасига таъриф беришга ҳаракат қилишган.

Тадқиқотчи Ш.А.Алимов “ички ишлар органлари — давлатнинг ижро этувчи тузилмаси бўлиб, у ички хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ва жамоат тартибини муҳофаза қилиш вазифаларини амалга оширадиган махсус ваколатли органлар тизимидир”[31.Б.25] деб асосий белги сифати унинг ижро этувчи орган эканлигини эътироф этса, Б.Р.Раҳманов эса “ички ишлар органлари — ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимнинг марказий бўғини бўлиб, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашда асосий амалий вазифаларни бажаради”[32.Б.42] деб, унинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимнинг асосий буғуни эканлигини таъкидлайди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, “ички ишлар органлари” тушунчасига хорижий олимлар томонидан берилган таърифларда ҳам турли хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, асосий эътибор тизимнинг вазифалари, функцияси ва яхлитлигига қаратилган. Хусусан, тадқиқотчи Е.А.Кириллова ички ишлар органларини ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширувчи, марказлашган яхлит тизимга эга бўлган, асосий вазифаси шахс, жамият ва давлатни қонунга ҳилоф тажовузлардан ҳимоя қилувчи, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминловчи давлат органи”[33] эканлигини эътироф этади. Тадқиқотчи Н.А.Макарованинг фикрича эса ички ишлар органлари фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқий таъсир чораларни бевосита амалга ошириш орқали давлатнинг муҳофаза қилиш функциясини амалга оширувчи давлат механизмининг бир қисмидир[34].

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, айрим манбаларда “ички ишлар органлари - бу жамоат тартибини сақлаш, шахсий хавфсизликни ва жиноятчиликка қарши курашишни таъминлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш учун ташкил этилган муассасалар, бўлинмалар ва хизматлар мажмуидир[35]” деб таъриф берилган бўлса, бошқа бир адабиётда эса тизим фаолиятини ахборотлаштириш долзарблигидан келиб чиқиб “замонавий ички ишлар органлари – бу рақамли ва фавқулодда ҳуқуқий режим шароитида шахс ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган кўп функцияли тузилмалардир”[36] деб таъриф берилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, “ички ишлар органи” тушунчасига берилган юқоридаги таърифларда мазкур тузилма давлатнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат (шахс, жамият, давлат) хавфсизлигини ҳамда жиноятчиликка қарши кураш каби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи функцияларини амалга оширувчи орган сифатида эътироф этилмоқда. Лекин, бугунги кунда ички ишлар органлари давлатнинг жамиятда вужудга келаётган хавф-хатар, таҳдид ва тажовузларнинг олдини олишга қаратилган профилактик (превентив), шунингдек жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматини кўрсатиш каби функцияларни устуворлик асосида очиқ ва шаффоф, замонавий ахборот-технологияларини, сунъий интеллектни қўллаган ҳолда амалга оширмоқда.

Бизнингча “ички ишлар органлари” тушунчасига бериладиган таърифни мазкур белгиларни ҳам алоҳида кўрсатиб, шунингдек амалдаги қонунчиликда унинг давлат органи сифатида ҳуқуқий мақомини белгиловчи асосий ўзига хос хусусиятларини тўлиқ инobatга олган ҳолда шакллантириш мақсадга мувофиқ.

МУҲОКАМА

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини амалга оширувчи марказий субъектлардан бири бўлган ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш миллий ҳуқуқ тизимидаги энг ўзоқ йиллар давомида ҳал қилинмай келинган мураккаб муаммолардан бири бўлиб келган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, 1991 йил 25 августдаги фармонга мувофиқ республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинган бўлиб, унда мазкур идораларнинг мақоми ҳамда Низомини қайтадан кўриб чиқиб,

биринчи навбатда республика ва унинг фуқаролари хавфсизлигини, манфаатларини муҳофаза қилишни назарда тутиш белгиланган”[37]. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон ССР иттифок — республика Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига айлантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақидаги Низом тасдиқланган[38]. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосий вазифалари, фаолиятининг принциплари, ҳуқуқ доираси, вазирлик фаолиятини ташкил этиш, марказий ва вазирлик аппаратининг тузилиши, яъни ички ишлар вазирлиги ҳуқуқий мақоми белгиланган эди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 8 январдаги 16-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида хизмат ўташ тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Низом тасдиқланган. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда умумий қоидалар, ички ишлар идоралари ходимларига махсус унвонлар бериш ва ундан маҳрум этиш, лавозимга тайинлаш, хизмат бўйича кўчириш ва кўтариш, аттестация, меҳнат таътили бериш, хизматдан бўшатиш, айрим тоифадаги ходимларни бошқа вазирликларга юбориш ва уларнинг хизматни ўташи масалалари ҳамда уларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари[39], яъни ички ишлар ходимларининг ҳуқуқий мақоми белгиланган эди.

Тадқиқотларда таъкидланганидек, “мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларига доир қабул қилинган қонунлар ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳам ички ишлар идоралари ҳуқуқий мақомининг мустаҳкамланиб боришига хизмат қилган”[1.Б.80], лекин ички ишлар органларининг асосий фаолият йўналишларини амалга ошириш усул ва шакллари, уларни амалиётда қўллашнинг ҳуқуқий механизмлари Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, хусусан буйруқлар билан белгиланган бўлиб, уларнинг аксарияти қисми хизматда фойдаланиш ёки ёпиқ ҳолда бўлган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш Концепцияси тўғрисида»ги қарорида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг амалдаги тизими замон талабига жавоб бермаслиги кўрсатилди, республикада юзага келган вазият, қолаверса 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари жамиятда тинчлик ва осойишталикни, жамоат тартиби ва хавфсизлигини самарали таъминлаш учун ички ишлар идоралари тизимида туб (комплекс) ислоҳотлар амалга оширишни тақозо этди”[1.Б.81].

Юқорида “ички ишлар органлари” ва “ҳуқуқий мақом” тушунчаларига оид илмий таърифлар, шунингдек амалдаги қонунчилик ҳужжатлари таҳлили натижалари асосланиб қуйидаги муаллифлик таърифини шакллантирамиз: “*ички ишлар органлари* – конституция ва қонун талаблари асосида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, жиноятчиликка қарши курашни, жамоат тартиби ва хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашни, шунингдек қонунчиликда белгиланган давлат хизматларини кўрсатиш каби ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи яхлит тизимдир”.

Учинчи таҳлил. Мавзуга оид илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, айрим тадқиқотчилар ички ишлар органлари ходимининг”[19], ички ишлар вазирлигининг”[40], профилактик, жамоат тартиби ва хавфсизлиги, тезкор-қидирув, жазони ижро этиш фаолиятини амалга оширувчи масъул бўлган таркибий тузилмалари”[41.Б.80,178], паспорт тизимининг субъектларини” [18.Б.223], ички ишлар органлари таянч пунктлари”[17.Б.80] ҳуқуқий мақомини уларнинг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бевосита таҳлил қилиш асосида кўриб чиқишган.

Хорижий тадқиқотларда ижро этувчи органлар ҳуқуқий мақомига қуйидагича таъриф берилган: “Федерал ижро этувчи органларнинг ҳуқуқий мақоми - бу уларнинг ўзига ўхшашлар тузилмасидаги ўрни ва роли бўлиб, улар Россия Федерацияси ҳукумати томонидан ёки

тўғридан-тўғри Россия Федерацияси Президенти томонидан уларнинг ваколатларига қараб тасдиқланган тегишли қоидалар билан белгиланади. Ушбу қоидалар федерал ижро этувчи органларнинг вазифалари ва функцияларини, уларнинг бошқа федерал ижро этувчи органлар ва Россия Федерациясининг таъсис субектларининг ижро этувчи органлари билан муносабатларини, шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларининг, шу жумладан ҳар бир аниқ орган раҳбарининг ваколатларини белгилайди[42.Б.28-34].

Тадқиқотчилар Стрельникова В. О., Жуйков А. В. ички ишлар органлари ҳуқуқий мақомини юридик шахсга хос бўлган бўлган: ташкилий яхлитлиги; ажратилган мулкнинг мавжудлиги; ўз мажбуриятлари бўйича мустақил мулкий жавобгарлик лаёқатига эгаллиги; ўз номида фуқаролик муносабатларида иштирок этиши каби белгиларини тадқиқ этиш орқали ёритишга ҳаракат қилишган. Уларнинг фикрича ички ишлар органлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиши учун юридик шахсга хос бўлган ҳуқуқий лаёқат ва муомла лаёқатига эга бўлиши шарт”[16.Б.203-205].

Тадқиқотларда таъкидланганидек, ҳар қандай давлатда ички ишлар органлари фаолиятининг юқори аҳамияти, миллий хавфсизликни таъминлаш, давлат номидан мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқи ва қуролга эгалик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш ҳуқуқи билан белгиланади, шунинг учун ушбу органлар ходимларининг ҳуқуқий мақоми ҳам халқаро, ҳам миллий даражада кўплаб норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади”[30].

Ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий мақомига оид тадқиқотларда таъкидланганидек, “ички ишлар органлари ходими учун эълон қилинган ва қонуний равишда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлар доираси қанчалик кенг бўлса, давлат томонидан улар шунчалик тўлиқ қафолатланади ва ходимнинг вазифаларини бажариш механизми қанчалик мураккаб бўлса, унинг мақоми шунчалик юқори бўлади. Шунинг учун мақом ички ишлар органлари ходимининг нафақат шахс сифатида, балки ҳокимият вакили сифатида ҳам рухсат этилган ва зарур имкониятлари сифатида кўриб чиқилиши керак. Чунки, айнан шу мақом ички ишлар органлари ходими томонидан қонун билан юкланган расмий вазифаларни бажаришда, яъни жисмоний шахслар, юридик шахслар ва бошқа ташкилотлар учун мажбурий бўлган талаблар қўйиш ёки қарорлар қабул қилишни ўз ичига олганда амалга оширилади”[43.Б.214-2015].

Юқоридаги “ички ишлар органлари”, “ҳуқуқий мақом” ва “ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақоми” тушунчаларига оид илмий ёндашувлар, қарашлар ҳамда таърифлар, шунингдек амалдаги қонунчилик ҳужжатлари таҳлили натижаларига асосланиб, қуйидаги муаллифлик таърифини шакллантирдик: *ички ишлар органлари ҳуқуқий мақоми* — бу конституция талабларига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган вазифа ва функциялари, берилган ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларни амалга ошириш салоҳияти орқали ички ишлар органларининг жамият ва давлат бошқаруви тизимидаги ўрни ҳамда ролини ифодаловчи ҳуқуқий категориядир.

Тадқиқотларда таъкидланганидек, мамлакатда одам савдосига қарши курашиш, вояга етмаганлар ўртасида назаратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, коррупцияга қарши курашиш, экстремизмга қарши курашиш соҳаларида махсус қонунларда ушбу соҳаларда бевосита иштирок этувчи давлат органларининг тизими, ҳамкорлик усуллари ва шакллари, уларнинг ваколатлари ҳамда асосий фаолият йўналишлари, шунингдек ўзаро ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик масалалари белгилаб берилган бўлса-да, афсуски, ушбу қонун нормаларини амалиётда татбиқ этишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини яратиш ва жорий этиш билан боғлиқ ҳал этилмаган муаммолар тизимни самарали ташкил этишга тўсқинлик қилмоқда[44.Б.95-98].

НАТИЖАЛАР

Тадқиқотларда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни нормалари талаблари асосида ички ишлар органларининг ташкилий-штат тузилиши ва ҳуқуқий мақомини, кадрларга оид, молиявий ва моддий-техник таъминотини реал ҳаётини эҳтиёжлардан келиб чиқиб белгилаш, шунингдек ходимларнинг

хизматни ўташ тартибини, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш механизмларини белгилаб олиш талаб қилинади [2.Б.25].

Шунинг учун ҳам ички ишлар органлари тизимида Ҳаракатлар[45], кейинчалик Тарққиёт[46], “Ўзбекистон-2030”[47] стратегиялари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси[48] га мувофиқ амалга оширилган ислохотлар натижасида барча даражадаги тузилмаларнинг ҳуқуқий мақомининг босқичма-босқич такомиллашиб бораётганлигини яққол кўришимиз мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, тизимдаги ислохотларни назарда тутган қонунчилик ҳужжатларида, яъни бир норматив-ҳужжатда юқорида таснифланган икки ва ундан ортиқ йўналишлар бўйича чора-тадбирлар уйғунликда амалга оширилиши натижасида ички ишлар органлари таркибий тузилмаларининг ҳуқуқий мақоми такомиллашиб бораётганлигини инобатга олиб, уларни босқичларга ажратган олган ҳолда тадқиқ этишни мақсадга мувофиқ ҳисобладик.

Ички ишлар органлари ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш борасида ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунга қадар амалга оширилган ислохотлар бўйича ушбу мақоланинг муҳокама қисмида қайд этилганидек монографик тадқиқот[1;17;18;41;] ўқазилганлигини ҳисобга олган ҳолда мазкур қонун қабул қилингандан кейинги даврни шартли равишда уч босқичга ажратиб таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Биринчи босқич Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон фармони[8] ва унинг ижроси дорасида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақоми такомиллаштириш бўйича тизимли чора тадбирлар амалга оширилди.

Мазкур фармонда ички ишлар органлари фаолиятидаги жиддий камчилик ва муаммолар кўрсатилиб, тизимни тубдан ислох қилишнинг энг муҳим йўналишлари белгиланиб, унинг ҳар бир ходими «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш мақсад қилиб қўйилди.

Тадқиқ этилаётган босқичда қуйидагилар ички ишлар органлари ва унинг таркибий тузилмалари ҳуқуқий мақоми такомиллаштирилишига хизмат қилди:

биринчидан, ички ишлар органлари ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида, шунингдек жамоат хавфсизлиги ҳақида тегишли вакиллик органларига ҳисобот тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилганлиги[7];

иккинчидан, ўрта ва қуйи бўғинлар ўртасидаги вазифа ва функциялар аниқ чегараланиб, ходимларнинг функционал мажбуриятлари назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар[49] асосида ички ишлар органлари барча даражадаги бўлинмаларининг вазифа ва функциялари аниқ белгиланиб ҳамда тақсимланиб, ташкилий-штат тузилмалари мақбуллаштирилиб, куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш йўлга қўйилиб бошқарув аппарати 70 фоизга қуйи тизимга туширилганлиги, туман-шаҳар ички ишлар органларининг штатлар сони 4 баробарга кўпайтирилиб, бевосита жойларда 5-6 та маҳаллаларга фаолият кўрсатадиган 175 та ички ишлар бўлимлари ташкил этилганлиги[50];

учинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси[51], тергов[52], миграция ва фуқароликни расмийлаштириш[53], йўл ҳаракати хавфсизлиги[54] бўлинмалари, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш муассасалари[55], пробация хизмати[56] фаолиятининг устувор йўналишлари, асосий вазифа ва функциялари ҳамда ташкилий тузилишининг аниқ белгиланганлиги;

тўртинчидан, ички ишлар органларида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг таълим муассасаларининг энг муҳим вазифалари белгиланиб,

Ички ишлар вазирлиги Академиясига ички ишлар органлари ходимларини тайёрлашга ихтисослашган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳуқуқий мақоми берилиб, унинг таркибий тузилиши ўзгартирилганлиги, шунингдек вазирлик академик лицейлари ташкил этилганлиги[57];

бешинчидан, Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясининг жорий этилиши муносабати билан Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари ички ишлар бошқармалари тузилмаларида бошлиқлари бир вақтнинг ўзида вилоят ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари ҳисобланадиган хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаларини ташкил этиш этилганлиги[58];

олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг захирасини шакллантириш, шунингдек ички ишлар органлари ходимларининг хизмат ўташини ташкил этиш соҳасидаги фаолияти қоникарсиз деб топилиб, хизматни ташкил этишни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланиб, уни амалга ошириш бўйича барча даражадаги бўлинмаларининг вазифалари аниқ тақсимланиб, ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланиб, унда унинг ҳуқуқий мақоми тўлиқ мустақамланганлиги[59];

еттинчидан, Тошкент шаҳридаги туман ички ишлар бошқармалари (бўлими) негизида ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари ташкил этилиб, шаҳар ички ишлар бўлимлари ички ишлар бўлимлари сифатида, Матбуот хизмати Ахборот мультимедия маркази этиб қайта ташкил этилганлиги, уларнинг асосий вазифа ва функцияларининг аниқ белгиланганлиги, Бош бошқарма бошлиғининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ўринбосари, мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғининг маслаҳатчиси лавозимлари жорий этилганлиги[10];

саккизинчидан, Тошкент шаҳрида жамоат тартибini сақлаш учун ички ишлар органлари ва Миллий гвардия ходимлар таркибда патрулик гуруҳлари жамоатчиликни жалб этган ҳолда куну-тун 3-босқичда хизмат олиб бориши жорий этилиб, жамоат тартибini таъминлаш кучларини мувофиқлаштириш ва алоқа мобиль марказларининг фаолияти йўлга қўйилиб, ҳар бир маҳаллада «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари ташкил этилганлиги[11];

тўққизинчидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бош бошқармаси, юридик таъминлаш бошқармаси, жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармаси негизида Ички ишлар вазирлигининг Ташкилий департаменти, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси малака ошириш факультети, академик лицейлар билан ишлаш бўлими, моделлаштириш ва симуляция маркази ҳамда педагогик кадрлар тайёрлаш курси негизида Малака ошириш институти ташкил этилганлиги, туман-шаҳарларда тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлар лавозимлари киритилганлиги, шунингдек марказлаштирилган ўз хавфсизлиги хизмати қайта тузилганлиги[60];

ўнинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши кураш соҳасида масъулиятини ошириш механизмларининг жорий этилганлиги, ҳар бир маҳаллада «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги Тошкент шаҳрининг ижобий тажрибаси республиканинг барча ҳудудларига татбиқ этилганлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ривожлантириш жамғармалари ташкил этилганлиги[12];

ўнбиринчидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Тошкент метрополитенида ички ишлар бошқармаси ҳамда Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлими негизида вазирликнинг Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси, шунингдек Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари ички ишлар бошқармалари

таркибида хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ташкил этилиб, уларнинг асосий вазифалари, функциялари, тузилиши белгиланганлиги[13];

ўниккинчидан, Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси этиб қайта ташкил қилиниб, Тошкент вилоятида[14], кейинчалик Фарғона вилояти ва Қорақолпоғистонда ички ишлар органлари куч ва воситаларини минтақавий назорат қилиш ва бошқариш тизими жорий этилганлиги.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур босқичда *биринчи* навбатда ички ишлар органларининг марказий ва ҳудудий бошқарув аппаратидаги куч ва воситалар оптималлаштириш ҳисобига бевосита аҳоли турар-жойларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун масъул бўлган қўйи бўғин сон ва сифат жиҳатдан кучайтирилган бўлса, *иккинчи* томондан мазкур ташкилий-институционал тузилмалар ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид ислоҳатлар Тошкент шаҳри ва унинг туманлари ички ишлар органлари бўлинмаларида синовдан ўтказилиб, тўпланган тажриба асосида республиканинг бошқа ҳудудларига жорий этилганлиги вужудга келиши мумкин бўлган хато ва камчиликлар ҳамда муаммоларнинг олдини олиш имкониятини яратди.

Иккинчи босқич Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон фармони ва унинг ижроси дорасида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қўйидагилар ички ишлар органлари мақомини такомиллаштиришга хизмат қилиб келмоқда:

биринчидан, ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари, хусусан ҳар бир маҳалла (“маҳаллабай”), оила (“оилабай”) ва шахс (“фуқаробай”) кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш тизимининг яратилганлиги[9];

иккинчидан, ҳудудларда жиноятчилик аҳолидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллалар “яшил”, “сарик”, “қизил” тоифаларга ажратилиб, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш тартибининг жорий этилганлиги[61];

учинчидан, ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилиши йўлга қўйилиб, ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қўйи бўғин сифатида унинг асосий вазифалари ва таркибининг аниқ белгиланганлиги, шунингдек вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар лавозимини жорий этилганлиги[15];

тўртинчидан, вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан ҳар ой якуни бўйича аҳолига Интернет тизимидаги ахборот ресурслари орқали ҳудуддаги криминоген вазият юзасидан «профилактик-огоҳлантирувчи мурожаат» қилиб бориш амалиёти жорий этилганлиги;

бешинчидан, Ички ишлар вазирлиги таъкибида Тезкор-қидирув, Жамоат хавфсизлиги, Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш, Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментлари, шунингдек Ички ишлар вазирлиги ҳузурида Жазони ижро этиш департаменти ташкил этилганлиги;

олтинчидан, Қорақолпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари бошлиқларининг: жамоат тартибини сақлаш; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси; пробация ва жазони ижро этиш масалалари бўйича ўринбосарлари лавозимлари тугатилиб, Қорақолпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари бошлиқларининг ўринбосари — Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи лавозимлари жорий этилганлиги[9].

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Жамоат хавфсизлиги концепциясининг қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида оммавий тадбирларни ўтказишда ҳамда истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш масъулиятининг юклатилганлиги муносабати билан амалга оширилган ислохотлар натижасида қуйидагилар ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришга хизмат қилиб келмоқда:

ҳудудларнинг криминоген вазияти ва аҳоли зичлигидан келиб чиққан ҳолда туманлараро патруль-пост хизмати бўлинмалари ташкил этилганлиги;

туман ички ишлар органлари таркибидаги конвой бўлинмалари босқичма-босқич вилоят ички ишлар органларининг бевосита бўйсунувига ўтказилиб, ягона бошқарув тизими асосида туманлараро хизмат ўташ тамойилига мувофиқ қайта ташкил этилганлиги;

ички ишлар органлари конвой фаолиятига конвой остидаги шахсларни электрон браслетлар орқали назорат қилиш тизими жорий этилганлиги;

ҳудудий ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати таркибида ўз маблағлари ҳисобидан босқичма-босқич отлик отрядларни ташкил этилганлиги;

Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаментининг асосий вазифалари билан бир вақтда “2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси”, мазкур стратегияни 2022 йилда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид чора-тадбирлар дастурларининг амалга оширилиши бўйича мажбуриятлар юклатилганлиги;

республикада жамоат тартибини оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганда ваколатли идораларнинг ҳаракатларини умумий мувофиқлаштириш вазифаси Жамоат хавфсизлиги департаменти зиммасига юклатилганлиги ҳамда унинг қошида ягона идоралараро бошқарув штаби ташкил этилганлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари мажлисларида ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларининг ўринбосарлари – жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиқлари томонидан ҳар чорақда жамоат хавфсизлиги юзасидан ҳисобот бериш тартиби жорий этилганлиги;

алоҳида шароитларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мавжуд куч ва воситаларни тезкор ва ягона идоралараро бошқариш тартиби амалиётга киритилганлиги;

ички ишлар органлари профилактика ва пробация инспекторлари, патруль-пост ва йўл-патруль хизмати ходимларининг фаолиятини баҳолашнинг самарадорлик индикаторларини ўз ичига олувчи рейтинг тизими жорий этилганлиги;

ички ишлар органлари профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифалар мақбуллаштирилиб, уларнинг ягона рўйхати тасдиқланганлиги, уларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга жалб қилиш ҳамда фаолиятига асоссиз аралаштириш тақиқланганлиги, шунингдек профилактика катта инспектори лавозимларига фақат олий юридик маълумотга эга бўлган ходимлар тайинлаш талабининг жорий этилганлиги[48];

ички ишлар органлари таркибидаги вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологларнинг Миллий гвардия тизимида ўтказилганлиги[62.Б.7];

ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси тасдиқланиб, амалиётга жорий этилганлиги ҳамда Ички ишлар вазирлигининг Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментининг фаолиятини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланганлиги[63].

Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислохотлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органлари ҳуқуқий мақомининг такомиллашиб боришини, уларнинг

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида замонавий бошқарув тизимининг шаклланиши ва фаолиятига янги усул, тартиб ҳамда механизмларнинг жорий этилиши билан изоҳлаш мумкин.

Тадқиқотларда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясида белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига жамоат хавфсизлигини таъминловчи давлат органлари биринчи раҳбарлари шахсан масъуллиги, шунингдек уни таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясидаги чора-тадбирларнинг босқичма-босқич амалга ошириш тартиб ҳамда механизмларининг аниқ белгиланганлиги алоҳида аҳамият касб этади[64], мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашга, шунингдек, жамиятда қонун устуворлиги ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга қаратилган[65].

Учинчи босқич янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши муносабати янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитларда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш, Янги Ўзбекистонда адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ички ишлар органлари тизими мақоми такомиллашиб бормоқда. Хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти ташкил этилиб[66], унинг фаолият кўрсатиши йўлга қўйилганлиги[67];

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркотиқларга қарши курашиш бўйича 2024 — 2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегия[68], шунингдек гиёҳвандлик ва наркотиқларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури[69] тасдиқланганлиги ҳамда ижрога киритилганлиги;

республика маҳаллаларида хавфсиз муҳит яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича манзилли чора-тадбирлар дастури[70], Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича манзилли чоралар концепцияси, Криминоген вазияти мураккаб ва оғир маҳаллаларда «намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй» ташкил этиш бўйича намунавий талаб[71]лар тасдиқланиб, ижрога киритилганлиги ҳамда мазкур йўналишда яхлит ишлаш тизимини жорий этилаётганлиги[72];

умумий ўрта таълим мактабларига фаолият олиб борувчи вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологларнинг Миллий гвардиядан ички ишлар органлари тизимига қайтарилганлиги[73.Б.20];

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти этиб қайта ташкил этилганлиги[74] муносабати билан ички ишлар органлари тизимидаги институционал ўзгаришлар, янги тузилма ва лавозимлар киритилиши, вазифа ва функцияларнинг юклатилиши, ваколатларининг берилиши *фаолиятини “инсон қадрини учун” тамойили асосида амалга оширадиган мақомдаги профессионал тизимга* айлантиришга қаратилган.

ХУЛОСА

Жамият тараққиётининг бугунги шаротида Ўзбекистон ҳалқи манфаатларига хизмат қиладиган янги устувор вазифалардан келиб чиқиб “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг такомиллаштириши, 2026 йилнинг юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинадиган давлат дастури[75], шунингдек, республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида

яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этиш[72]га қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича белгиланаётган вазифалари ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақомини майян даражада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Хусусан, ички ишлар органларининг асосий вазифаларини унинг тегишли таркибий тузилмалари ваколатлари дорасидаги фаолият йўналишларига дахлдор бир-бири билан боғлиқ қуйидаги:

жиноят ҳақидаги аризани қабул қилишдан бошлаб, ишни судга ўтказишгача бўлган босқичларга сунъий интеллект технологиялари жорий этиш ва инсон омили қисқартириш;

жиноят процессига “халқ вакиллари ҳайъати” институтини босқичма-босқич жорий этиш, ўта оғир ва жамиятда шов-шувга сабаб бўлаётган жиноятларни жамоатчилик вакиллари иштирокида кўриб чиқиш;

наркожиноятларга қарши курашишни умуммиллий ҳаракатга айлантириб, жамиятда бу иллатга мурасиз муҳит яратиш, наркотикларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш каналларига чек қўйиш бўйича янги тизим яратиш;

уюшган жиноятчиликнинг бизнес ниқоби остида даромадли соҳаларга кириб боришига, бунга спортчиларнинг жалб этилишига, тадбиркорларга босим қилиб, уларнинг бизнесини эгаллашга, одамлар ўртасидаги олди-берди масалаларини ҳал қиладиган жиний тузилмалар фаолиятига чек қўйиш, шунингдек уларнинг республика ҳудуди ва ундан ташқарида вужудга келиши(шаклланиши)га мурасиз қарши курашиш тизимини яратиш;

аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, бундай салбий ҳолатларга барҳам бериш бўйича самарали ишлайдиган тизимни яратиш;

барча идораларда комплаенс ва коррупцияга қарши ички назоратга масъул ўринбосар лавозими жорий этилиши каби чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ички ишлар органлари тизимида ислоҳатларни янада чуқурлаштириш орқали унинг жамият, шу жумладан давлат органлари тизимидаги ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Жамиятнинг суд-ҳуқуқ, хусусан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар натижасида:

биринчидан, жиноятлар статистикасида, улар: а) олдини олиш мумкин бўлган; б) аниқланадиган; в) кибержиноятлар гуруҳларига ажратилган ҳолда қайд этилишининг йўлга қўйилганлиги;

иккинчидан, олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар содир этилишининг барвақт профилактикасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, аниқланадиган жиноятларни фош этиш ва кибержиноятлардан ҳимоя қилиш бўйича махсус ваколатли давлат органлари масъуллигининг аниқ белгиланилаётганлиги;

учинчидан, жамият тараққиёти ва барқарорликка асосий хавф ҳисобланган коррупцияга, гиёҳванлик ва наркожиноятларга, уюшган жиноятчиликка, аёллар ва болалар зўравонлигига қарши кураш миллий стратегияларининг ижрога киритилганлиги;

тўртинчидан, жиноятларнинг барвақт олдини олиш, жиний қилмишларни аниқлаш ва жавобгарлик муқаррарлиги таъминлаш, мазкур соҳада фаолият олиб боровчи куч ва воситаларни бошқарув тизимида замонавий технологияларнинг жорий этилаётганлиги, рақамлаштириш ва сунъий интеллектдан фойдаланишнинг йўлга қўйилаётганлиги;

бешинчидан, мазкур йўналишларда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва масаласини ошириш тизимларининг ихтисослашаётганлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, хусусан ички ишлар органлари бошқарув тизимида ислоҳатларни янада чуқурлаштиришни тақозо этмоқда.

Хулоса якунида шуни таъкидлаш жоизки, жамиятда, унинг суд-ҳуқуқ соҳасида, хусусан ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳатлар натижасида *бир томондан* Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигидаги ташкилий-назоратни, жамоат хавфсизлигини, жиноятлар учун жавобгарлик ва жазо муқаррарлигини таъминлаш

Йўналишлари бўйича шаклланган бошқарув тизимини қўйи бўғинларга ҳам тўлиқ жорий этиш, ҳар бир ҳудудий тузилмалар ва соҳавий хизматларнинг функционал мажбуриятларини аниқ ва самарали бажариши учун масъулиятни юклаш орқали уларни “профессионал тузилмага” айлантиришга, *иккинчи томондан* жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун масъул хизматлар билан жинойи фаолият олиб борувчи шахслар, гуруҳлар ва уюшмаларни, улар содир этган жиноятларни аниқлаш, фош этиш ҳамда жавобгарлик ҳамда жазо муқаррарлигини таъминлаш учун масъул хизматлар фаолиятини бир-биридан мустақил амалга оширувчи бошқарув тизимини йўлга қўйиш орқали тизимдаги коррупцион омилларни бартараф этиш ва фаолият самарадорлигини ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.Исмаилов, Ў.Х.Мухамедов, М.З.Зиёдуллаев ва бошқалар Ички ишлар идораларидаги ислохотлар – тинчлик ва осойишталик гарови: Монография / Масъул уҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 272 б., 4-б.
2. И.Исмаилов Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни — тинчлик ва осойишталикни таъминлаш гарови. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2016. – № 4., 20-б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // <https://lex.uz/docs/97664>;
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <https://www.lex.uz/acts/111453>;
5. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни // <https://lex.uz/docs/29526>;
6. Ўзбекистон Республикасининг Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуни // <https://lex.uz/docs/2387357>;
7. Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонуни // <https://www.lex.uz/acts/3027843> ва б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг: 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5005-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/3159827>
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармони // <https://lex.uz/docs/5344118>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-3528-сон Қарори // <https://lex.uz/docs/3556832>;
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июндаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3786-сон қарори. // <https://www.lex.uz/docs/3786903>;
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4075-сон қарори // <https://lex.uz/docs/4124831>;
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги «Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4229 сон қарори. // <https://lex.uz/docs/4229310>;

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги «Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-4343-сон Қарори // <https://lex.uz/docs/4355767>;
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5050-сон қарори. // <https://lex.uz/ru/docs/5353841>
16. Стрельникова В. О., Жуйков А. В. — Правовой статус органов внутренних дел как юридических лиц, «Молодой учёный», №48 (234), 2018, с. 203–205. <https://app-static-cdn.moluch.org/archive/234/> (22.10.2025 мурожаат қилинган)
17. Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 280 б.;
18. Юлдашев Дж.Х. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини таъминлашнинг назарий-ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 223 б.
19. В. В. Головкин «Правовой статус сотрудника органов внутренних дел». <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoy-status-sotrudnika-organov-vnutrennih-del-rossiyskoj-federatsii-problemy-i-perspektivy-razvitiya/viewer>(22.10.2025 мурожаат қилинган)
20. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. <https://qomus.info/encyclopedia>
21. <https://advice.adliya.uz/uz/document/3676>
22. Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат <https://lex.uz/dictionary?search>
23. Примак Т. К., Орлова К. А. Терминологические трудности определения категории «правовой статус» // Вестник Балтийского федерального университета им. И. Канта. – 2012. – Вып. 9. – С. 19–27.
24. Саидов А.Х. “Инсон ҳуқуқлари назарияси”, Тошкент: ТДЮУ, 2015. 64-бет.
25. Маматов Н.А. “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, Тошкент: Академнашр, 2019. — 88-бет.
26. Тихомиров Ю. А. Публичное право и управление. – М., 2016
27. Перевалов В. Д. Теория государства и права. – М., 2020.
28. Матузов Н. И., Малько А. В. Теория государства и права. – Саратов, 2018.
29. Прудникова Т. А., Сухарева В. А. Особенности правового статуса сотрудника полиции // Криминологический журнал. 2022. № 1. С. 59–62. <https://doi.org/10.24412/2687-0185-2022-1-59-62>.
30. Матвеев С. П. Правовой статус сотрудников органов внутренних дел. Вестник ВГУ. Серия: Право DOI <https://doi.org/10.17308/vsu.proc.law.2020.4/3164>
31. Алимов Ш.А. “Ички ишлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари”, Тошкент: Академия ИИВ, 2018. – 25-бет.
32. Раҳмонов Б.Р. “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими”, Тошкент: ТДЮУ, 2020. – 42-бет.
33. Кириллова Е. А. Правовой статус органов внутренних дел в Российской Федерации. – М., 2017.
34. Макарова Н. А. Охранительная функция права и её реализация в деятельности органов внутренних дел. – М., 2015.
35. Моисеев А. Н. Административно-правовой статус органов внутренних дел. – СПб., 2014.
36. Репьев А. Г. Правовой статус личности сотрудника органов внутренних дел в специальных правовых режимах. — 2024.
37. Ўзбекистон ССР Президентининг 1991 йил 25 августдаги ПФ-237-сон Фармони <https://lex.uz/docs/188475>.
38. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сон қарори <https://lex.uz/uz/docs/1033174>.

39. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 8 январдаги 16-сон қарори <https://lex.uz/docs/571018>
40. Э. Р. Чернова — «Правовой статус Министерства внутренних дел». <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoy-status-ministerstva-vnutrennih-del?ysclid=mh1gws9kz352339595>
41. Қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш принципи – ички ишлар органлари фаолиятининг асоси: Монография / Ў. Х. Мухамедов, И. Исмаилов, Б. Э. Закиров ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 245 б. 80, 178-б.
42. Колядная М. С. Правовой статус Министерства внутренних дел в системе органов государственной власти Российской империи // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. – 2019. – № 3 (83). – С. 28-34. DOI: 10.35750/2071-8284-2019-3-28-34
43. Хадисов Г.Х. Особенности правового статуса сотрудника органов внутренних дел Российской Федерации. Вестник Московского университета МВД России. № 6 / 2014, 214-215-б.
44. И.Исмаилов, Ж.Авазов Legal Provision for Offense Prevention is a Guarantee to Take the System to a New Quality. International Journal of Development and Public Policy e-ISSN: 2792-3991 www.openaccessjournals.eu Volume: 2 Issue: 4., 95-98
45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони <https://lex.uz/docs/3107036>
46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони <https://lex.uz/docs/5841063>.
47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентбрдаги “«Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони <https://lex.uz/docs/6600413>
48. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат ҳавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони <https://lex.uz/uz/docs/5749291>.
49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2883-сон Қарори <https://lex.uz/ru/docs/3165013>.
50. И.Исмаилов, М.Суванкулов To Transform the Law Enforcement Agencies into a Popular System International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding <https://ijmmu.com/index.php/ijmmu/article/view/3076/2657>
51. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сон Қарори <https://lex.uz/docs/3175732>.
52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2898-сон Қарори <https://lex.uz/uz/docs/3180665>.
53. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги “Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3126-сон Қарори <https://lex.uz/docs/3266578>

54. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3127-сон Қарори <https://lex.uz/docs/3266524>
55. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги “Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3200-сон Қарори <https://lex.uz/ru/docs/3309651>
56. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сон Қарори <https://lex.uz/docs/4045443>.
57. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сон Қарори <https://lex.uz/docs/3313218>.
58. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 ноябрдаги “Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 939-сон қарори <https://lex.uz/docs/3422680>
59. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон Қарори <https://lex.uz/ru/docs/3430641>.
60. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3919-сон Қарори <https://lex.uz/uz/docs/3877315>.
61. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли Фармонининг 5-илоvasи “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар”га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3182-сон қарорининг 3-илоvasи 4¹-боб билан тўлдирилган <https://lex.uz/uz/docs/5749291>.
62. Инспектор-психологларнинг вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш фаолияти: Услубий қўлланма/ М.Х.Рустамбаев, И.Исмаилов, М.З.Зиёдуллаев, Р.М.Махмудов, У.И.Мирзатиллаев – Т.: Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, 2024., 7-б.
63. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарори <https://lex.uz/docs/6364837>
64. I.Ismailov S.S.Sharipov Uzbekistan creates a new national public safety system. Directions of implementation of reforms aimed at further improvement of the public safety system and increasing its effectiveness <https://zenodo.org/records/8201791>.
65. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 январдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-10-сон фармони <https://lex.uz/docs/6755597>,

66. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 январдаги “Криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқот ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-22-сон қарори <https://lex.uz/uz/docs/6755253>; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 июлдаги “Криминологик фаолиятни илмий таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 445-сон қарори <https://lex.uz/uz/docs/7034904>,
67. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-73-сон фармони <https://lex.uz/docs/6912475>.
68. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва нарकोжиноятлардан самарали химоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-207-сон фармони <https://lex.uz/uz/docs/7818774>.
69. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сон қарори <https://lex.uz/docs/7330260>.
70. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПҚ-253-сон қарори <https://lex.uz/docs/7690026>.
71. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 январдаги “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сон қарори <https://www.lex.uz/uz/docs/7973611>.
72. Mirzatillayev U.I. Voyaga yetmaganlar masalalari bo'yicha inspektor-psixologlarning profilaktik faoliyatini takomillashtirish: Monografiya. – Toshkent: O'zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti. 2025., 20-б.
73. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 28 ноябрдаги “Ички ишлар органларининг қўриқлаш соҳасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-360-сон қарори <https://lex.uz/docs/7865959>.
74. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/8834>.